

ТУГИЗОВ ШАРОФ МАВЛОНОВИЧ

биология фанлари доктори, Калифорния университети профессори, Нью-Йорк фанлар академияси, Америка хужайра биологияси, Америка микробиологлар ҳамда халқаро ОИТС(СПИД) жамиятларининг аъзоси.

Илмий қизиқишлари: вирусология, молекуляр биология, эпителиар биология, ген инженерлиги.

Самарқанд ҚХИ Ветеринария факультетини тугатган, дунёга таниқли олим ҳақида 1993 йил “Ветеринария соҳасидаги хорижий адабиётлар тўғрисида ахборот” рисоламда ёзган эдим. Бу мақола Тугизов Шароф Мавлоновичнинг илм-фанга қўшган янги дунёвий маълумотларни қамраб олган узвий давомидир.

1959 йил 25 мартда Самарқанд вилоят Ургут туманига қарашли Санчикул қишлоғида таваллуд топган. 1966 йилда Ургут туманидаги 61-сон мактабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 1976 йилда мазкур мактабни тугатган. Ш.М.Тугизов 1976 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультети 1-курсга ўқишга қабул қилиниб, 1981 йилда мазкур факультетни ветеринария мутахассислиги бўйича тугатди. Илмий-тадқиқот ишларига кизикканлиги учун Ўзбекистон ветеринария илмий – тадқиқот институтига ишга юборилди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Бутунроссия қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг экспериментал ветеринария институтига мақсадли аспирантурага қабул қилинди. 1986 йилда вирусология ихтисослиги бўйича биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Вирусологик тадқиқотлар учун корамоллар ва чўчқаларнинг мутантли ва гибридли хужайралари” (Мутантные и гибридные клетки крупного рогатого скота и свиньи для вирусологических исследований) мавзусида профессор Л.П.Дьяконов илмий раҳбарлигида диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Ш.М. Тугизов томонидан олинган генетик мутант хужайра линиялари бугунги кунда ҳам ген инженерлиги ва биотехнология соҳаларида ишлатилиб келинмоқда.

1985-88 йиллар давомида Тиббиёт фанлар академияси Д.И.Ивановский номидаги вирусология илмий-тадқиқот институтининг вируслар физиологияси бўлимида кичик илмий

